Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 77 (6967). | 24 апрель, 1979 йил | СЕШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

„КУМУШ ТОЛА“ ИЖОДКОРЛАРИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Энгельс номли колхоз пиллакорлари бу йилги қишлоқ хўжалиқ мавсумида зиммаларига 20 тонна «кумуш тола» етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Колхозда иккита пилла бригадаси ташкил этилган бўлиб, уларга тажрибали пиллачилар Тожихон Турсунова ва Марзия Алимбековалар кўп йиллардан буён раҳбарлиқ қилишади. Ўзаро мусобақалашиб ишлаётган бригада коллективлари ҳар йили план ва мажбуриятларини ошириб адо этишмоқда.

Шу кунларда ипак қурти боқиш учун зарур бўлган барча асбоб-анжомлар тайёрлаб қўйилди. Хонадонларга сўри учун 700 дона этажерка, 500 та термометр, 95 та психрометр, 220 та печка, 1200 килограмм қоғоз тарқатилди. Шунингдек, бу йил колхозда янги инкубатория қурилиб, фойдаланишга топширилди. Пилла боқувчи хонадонлар кўмир билан таъминланди.

Ўтган йили ҳар қути қурт уруғидан 120—130 килограммдан пилла етиштирган Н. Иргайбоева, Н. Тошпўлатова, А. Пўлдошева сингари илғорлар бу йил ҳам юқори ҳосил етиштиришга сўз беришган.

— Пиллакорларимиз сифат ва самарадорлик беш йиллигининг белгиловчи тўртинчи йилида ҳар қути қурт уруғидан 80 килограммдан «кумуш тола» етиштиришга қарор қилишган,— дейди колхоз пилла участкасининг раҳбари Анна Петриева.— Сўзимизнинг устидан чиқиш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз.

Ш. БАҲРОМОВА.

БУЗИЛМАС БИРЛИК БЕЛГИСИ ОСТИДА

Шу баҳорнинг май олди кунларида катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик кўп воқеалар бўлди. Бу воқеалар партиямиз билан халқнинг қудратли бирлигини янги куч билан намойиш қилди. Мамлакат В. И. Ленин туғилган кунининг 109 йиллигини тантанали вазиятда нишонлади. Бутуниттифоқ ленинча Коммунистик шанбалик эркин меҳнатнинг қувончли байрами бўлиб, Буюк Почтанинг олтмиш йиллиги муносиб равишда кутиб олинганидан далолат берди. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Бу Пленум ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессияси кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқди, шундан кейин олий ҳокимият органининг сессияси ҳам ўтказилди; Пленум ва сессиянинг қарорлари совет давлатчилигини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда ва сессияда сўзлаган нутқларида СССР Олий Советининг фаолияти тўғрисидаги энг муҳим қоида ва хулосалар, халқ депутатлари барча советларининг ишини янада такомиллаштириш йўллари баён қилинди. Бизнинг янги Конституциямиз уларнинг кенг ваколатларини муваффақиятли амалга оширишлари, собитқадамлик ва зўр ғайрат билан ишлашлари учун энг қулай шарт-шароитларни вужудга келтирди. Оммани ишончига сазовор бўлган ҳар бир депутатнинг активлиги — бунинг асосий заминидир.

Меҳнаткашлар яқинда СССР Олий Советига ўтказилган сайловда Ватаннинг энг яхши ўғил ва қизлари, коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодларини якдиллик билан ёқлаб овоз бердилар. Сессияда олий ҳокимият органи депутатларининг составн тўғрисида ахборот берилди. Депутатларнинг ана шу составн социалистик демократиянинг буюк афзалликларини, халқнинг доноligи ва энг бой тажрибасини мужассамлаштиради. Булар меҳнат аҳли, меҳнат коллективларининг вакиллари бўлиб, давлатнинг қарорлари жойларда қандай бажарилаётганлигини, ҳаёт қандай масалаларни биринчи ўринга қўяётганлигини яхши биладилар. Бунда гап аввало, мамлакат экономикаси самарадорлигини муттасил ошириш, халқ фаровонлигини изчиллик билан ўстириш, Ватаннинг қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, бу экономиканинг жуда катта имкониятларини қидириб топиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида бораяпти.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз нуқтида бундай деди: «Ўнинчи чақириқ Олий Совет ҳозирги беш йилликнинг тугалланиши билан мамлакатни ривожлантиришнинг ўн биринчи беш йиллик планини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқиши керак. Биз партия съездлари ва унинг Марказий Комитети Пленумларининг берган йўл-йўриқларига амал қилиб, экономика ва маданият, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва моддий рағбатлантириш соҳасидаги проблемаларнинг кенг комплекси билан шуғулланамиз. Биз совет кишиларининг турмуш даражасини ошириш, халқимизнинг коммунистик қурилиш йўлидан бундан буён ҳам олға ҳаракат қилиб бориши масалаларига доим жуда катта эътибор берамиз».

Сессияда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигида СССР Олий Совети Президиуми бир овоздан сайланди. Президиум составига таниқли партия ва давлат арбоблари билан бир қаторда ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг вакиллари — қурувчи Н. А. Злобин, механизатор А. В. Гиталов, ёзувчи Р. Г. Гамзатов ва бошқалар кирди. СССР Министрлар Советини тузиш ҳақидаги қарор ҳам шундай якдиллик билан қабул қилинди.

Сессияда СССР Олий Совети регламентининг тасдиқланганлиги давлат ҳокимияти олий органининг самарали ишлашига ёрдам беради. Бу регламент совет қурилишининг ленинча ташкилий принципларига, Конституцияда белгиланган йўл-йўриқларига ва кўп йиллик тажрибага мувофиқ ишлаб чиқилди. Қабул қилинган қарорларда Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети доимий комиссияларининг аҳамияти ўсиб бораётганлиги ҳам ўз ифодасини топди. Доимий комиссиялар фаолиятидаги тажрибани, замон талабларини эътиборга оладиган ўзгартиш ва қўшимчалар шу комиссиялар ҳақидаги Низомга киритилди. Бу эса партия Советлар фаолиятининг ташкилий формалари, услуб ва методларини доим такомиллаштириш тўғрисида катта гамхўрлик қилаётганлигини яққол исбот этувчи янги далилдир.

Совет ҳукумати, министрликлар ва давлат комитетлари партия директивасини, иқтисодий ва социал снёсатини амалга оширишда жуда муҳим роль ўйнайдилар. Етук социализм босқичи, фан-техника революцияси хўжалик механизми олдига жуда катта талаблар қўймоқда. Сессияда таъкидлаб ўтилганидек, бутун бошқарув аппаратининг аниқ ва пухта ишлаши, ҳар бир кишининг топширилган иш учун реал масъулияти, давлат интизомининг бузилишига қарши, ҳар қандай исрофгарчилик, хўжасизлик, суиистеъмолларга қарши қаттиқ кураш олиб бориш, биз учун жуда зарур бўлиб қолди. Бунда кўп нарса халқ контролига, социалистик ҳуқуқ-тартибот органларига боғлиқдир.

КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг ва СССР Олий Совети сессиясининг қарорлари ўнинчи беш йилликда совет жамиятини ривожлантириш борасида партия XXV съезди томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришни кўзда тутади. Бу қарорлар коммунистик қурилишимиз учун қулай халқаро шарт-шароитлар бўлишини бундан буён ҳам таъминлашга, мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга планетада тинчликнинг сақланишига сабот-мотанат билан эришишга ҳам асосланади. Бу қарорлар бутун халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этади. Меҳнаткашлар ана шу қарорларни тўлатўкис, астойдил қўллаб-қувватладилар. Миллионларча совет кишилари партиянинг ленинча ички ва ташқи снёсатини қизғин маъқуллаб, унинг 1979 йилни зарбдор иш йилига айлантириш ҳақидаги чақириғига янги ватанпарварлик зафарлари билан жавоб беришга интилмоқдалар. Биринчи май арафасида умумхалқ социалистик мусобақаси ғоят юксак даражага кўтарилди. Кенг омманинг ўсиб бораётган снёсий активлиги ва меҳнат ғайрати партия кўрсатиб берган йўлдан бориб, янгидан-янги муваффақиятларга эришиш гаровидир.

Ер юзида биринчи социалистик давлатнинг гражданлари Ватанимиз учун нефтиҳор туйғулари билан, истиқболга қатъий ишонч билан меҳнат ва тинчлик байрамини кутиб олмоқдалар. Улар ўзларининг жанговар авангарди тевараги атрофида маҳкам жипслашганлар ва ҳар бир киши оташин чақириқ сўзларини чин кўнгилдан ардоқламоқда:

— ЯШАСИН СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ РАҲБАР ВА ЕТАКЧИ КУЧИ — ЛЕНИНЧИ СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ!

ЯШАСИН ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ БУЮК БУЗИЛМАС БИРЛИГИ!

(«ПРАВДА»нинг 23 апрелдаги бош мақоласи).



КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори

КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВга Ленин мукофоти бериш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин ва Давлат мукофотлари комитетининг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга Ленин мукофоти бериш тўғрисидаги таклифини кўриб чиқиб, қарор қиладилар:

«Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари учун, тинчлик йўлида ҳормай-толмай олиб бораётган кураши учун ўртоқ Леонид Ильич Брежневга Ленин мукофоти берилсин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЁШ АВЛОДГА ҒАМХЎР ВА МЕҲРИБОН БЎЛАЙЛИК

(ХАЛҚАРО БОЛАЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАНГАН ОБЛАСТЬ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН).

Тошкент область партия Комитети халқаро болалар йилига бағишлаб «Социализм ва болалар» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказди.

Конференцияни область партия комитетининг секретари А. М. ХЎЖАЕВ кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг конференция қатнашчилари қатор докладлар ва нутқларни тингладилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих институти секторининг мудири, тарих фанлари доктори, республика фанлар академиясининг мухбир аъзоси Р. Х. АМИНОВА «Социализм ва болалар», республика соғлиқни сақлаш министри С. ОРИПОВ «Совет соғлиқни сақлаш системаси ва болалар», Қори Ниёзов номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг директори, филология фанлари доктори, СССР педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси М. К. ҲАМРОЕВ «Шахсни ҳар томонлама камолатга етказиш— ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялашнинг асосий мақсади», Республика Фанлар академияси шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, фалсафа фанлари кандидати Ф. С. САЛИМОВА «Фан-техника тараққиёти ва чет элларда болалар аҳволи», Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари Б. С. КАМОЛОВ «Советлар мамлакати гражданини тарбиялашда комсомол ва пионер ташкилотларининг роли», ёзувчи ҲАКИМ НАЗИР «Болаларни тарбияланда бадиий адабиётнинг роли» мавзуида докладлар билан чиқдилар.

Докладларда Халқаро болалар йилини ўтказиш билан боғлиқ масалалар ва муаммоларнинг кенг доираси ҳақида атрофлича сўз борди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош ассамблеясининг XXXI сессияси қарори билан 1979 йил — Халқаро болалар йили деб эълон қилинди.

«Бу — жуда яхши, жуда тўғри қарор, — деди КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев болаларга йўлланган янги йил табригида. — Чунки болалар — бизнинг келажагимиздир, улар ўз оталари ва оналари ишини давом эттиришлари лозим. Болалар ер юзида ҳаётни яхшироқ ва бахтли қилишларига аминман».

Мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилиш бизда умумхалқ, умумдавлат ишига айланган. Бундай ғамхўрлик мустаҳкам иқтисодий, снёсий ва ҳуқуқий асосга, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг бутун бир системасига асосланади.

«Ҳамма яхши нарсалар болаларга». Бизнинг давлатимиз ана шу Ленин васиятини амалга ошириб келмоқда. Совет давлатининг энг дастлабки қонунларидаёқ болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, болаликни муҳофаза қилиш муассасаларининг кенг тармоғини яратиш бўйича жуда кўп тадбирлар кўзда тутилган эди.

1919 йил январида мамлакатимиз очлик ва вайронгарчилиқдан азоб чекаётган бир пайтда Владимир Ильич Ленин болаларни ҳимоя қилиш Советини таъсис этиш тўғрисидаги декретга қўл қўйди. Болаларни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш, уларга медицина ёрдами кўрсатиш ишларини назорат қилиб туриш ана шу Совет зиммасига юклатилган эди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Россияда гўдаклиқни муҳофаза қилиш бўйича комиссия ҳамда болаларни ҳимоя қи-

(Давоми 2-бетда).

БЕШ ЙИЛЛИКЛАР БОСҚИЧЛАРИДАН СОЦИАЛИЗМ ВА КОММУНИЗМ САРИ

БУТУНИТТИФОҚ ШАНБАЛИГИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ — БУЮК ПОЧИН ШОНЛИ АНЪАНАЛАРИНИНГ ДАВОМЧИЛАРИ

Бутуниттифоқ шанбалиги республикамизда, бутун мамлакатимизда икки шоҳли юбилей белгиси остида ўтди. Бундан ярим аср муқаддам совет халқи биринчи беш йиллик планни бажаришга киришиб, социализм қандай қудратли афзалликларга эга эканлигини жаҳонга намуна қилиб кўрсатди.

Миллион-миллион кишилар Буюк почин анъаналарига садоқат белгиси сифатида дастлабки беш йилликлар зарбдорларининг ишини давом эттира туриб, Орол денгизи соҳилларидан то СССРнинг жанубий чегараларигача, Ўзбекистон заводларида, фабрикаларида, қурилишларида, қишлоқ ва шаҳарларининг кўчаларида шанбаликда қатнашдилар. Уларнинг куч-ғайрати шу куни энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга, ишлаб чиқаришнинг янгиданянги резервларини қидириб топиб, социалистик жамиятга хизмат қилдиришга қаратилган эди. Леонид Ильич Брежнев 13 апрель куни СССР Олий Советининг сессиясида сўзлаган нутқида бундай деди: «Гап, аввало, мамлакат экономикаси самарадорлигини муттасил ошириш, унинг жамики улкан имкониятларини рўёбга чиқариш ва ишга солиш тўғрисида боряпти. Бу— халқ фаровонлигини янада юксалтиришнинг, Ватанимиз қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартидир». Республика меҳнаткашлари ана шу қоидани амалга ошира бориб, 21 апрель куни кўплаб меҳнат рекордлари қўйдилар.

Байрамона иш куни охирида ЎзТАГ мухбирлари республиканинг социалистик мусобақа илғорлари, донгдор меҳнатчилари билан суҳбатлашдилар.

Сандмурод ҚАЛАНДАРОВ, суперфосфат заводининг аппаратчиси, Ленин ордени ва Хошимин фахрий нишонининг кавалери:

1. Бугунги сменада ишлай туриб олис Ханойни эсладим: у ерда менинг кўпгина дўстларим бор. Мен суперфосфат заводини монтаж қилиш ва ишга туширишда вьетнамлик ўртоқларга ёрдам бериш ва бунинг учун қардош мамлакатнинг юксак мукофотини олиш шарафига муяссар бўлдим. Самарқандлик химикларнинг ҳаммаси бугун алоҳида завқ-шавқ билан меҳнат қилдилар, чунки улар шанбаликда ишлаб топилган маблағнинг тўртдан уч қисмини Хитойнинг ваҳшиёна агрессиясидан азият чеккан Вьетнамга ёрдам бериш фондига топширишга қарор қилган эдилар. 1979 йилнинг меҳнат байрами — совет кишилари интернационализмининг янги моддий ифодасидир. Меҳнаткаш халқ қардошлигининг шонли анъанасини бизга Ленин васият қилган. Бу — зарбдор ишлашнинг қудратли омилидир.

2. Бу йил биз рекорд қўйдик: одатдаги 900 тонна ўрнига биринчи марта 1400 тонна аммофос ишлаб чиқарилди. Биз байрам олдидан ўғит ишлаб чиқарувчи янги технология-линияси билан фосфорли кислота цехини ишга туширдик. Машиналарнинг кўп қисми мўлжалдаги унумдорлик билан барвақт ишлай бошлади.

3. Бу муваффақиятга эришмоқ учун шанбаликка тайёргарлик кунлари новаторларимиз аммофос олинадиган установкани янгиладилар. Аппаратнинг қуввати соатига 19 тоннадан 25 тоннагача маҳсулот берадиган қилиб оширилди.

Анастасия ЧУДНАЯ, «Красний водопад» эксперименталь базасининг сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР давлат мукофотининг лауреати:

1. Биринчи беш йилликнинг охирида хўжалигимиз барпо этилганида бу ерда 75 бош сигир бўлиб, ҳар бири йилига 1900 килограммдан сут берар ва бу яхши кўрсаткич деб ҳисобланарди. Ҳозир бўлса 730 бош қорамолимиз, шу жумладан 520 та соғин сигиримиз бор, буларнинг ҳар биридан 4000 килограммдан сут соғиб оляпмиз.

2. Оддий иш куни эди. Ҳар қачонгидек мен ўзимга бириктирилган 178 сигирни боқардим, ҳар қачонгидек белгиланган муддатда сут соғиш установкаларини ишга солдим. Лекин бугун тўрт ойлик план муддатидан қарийб 10 кун аввал бажарилаётганлиги, йилнинг ваъда қилинган 826 тоннадан ошиқ сутдан 230 тоннадан кўпроғи соғиб олинганлигини биладим; шунингдек бугун ишлаб топилган ҳамма маблағларни жамиятимиз фаровонлиги ҳамда вьетнамлик қардошларга ёрдам учун беришимизни биладим ва шу ҳис-туйғулар сменага айниқса байрам тусини берарди.

3. Чорвадорнинг меҳнати заводдаги меҳнатга ўхшамайди: баъзида куч-ғайратларингизнинг самараларини неча-неча йиллардан кейингина кўрасиз. Бизда энг маҳсулдор чорвани танлаш учун синчиклаб селекция қилиш, рационал боқиш, механизация, намунали қаров сут кўпайтириш ва чорва семиртиришнинг резервидир.

Бутуниттифоқ меҳнат байрами қатнашчисининг портрети сержилва. Биринчи беш йилликларнинг қаҳрамонона анъаналари — Ватанга фидокорона меҳру-муҳаббат, интернационализм, ташаббус ва ғалабага бўлган ишонч анъаналарига эндиликда энг янги техникани эгаллаш, юксак ишлаб чиқариш маданияти, аниқ иқтисодий ҳисоб анъаналари қўшилди.

Республика штабининг дастлабки маълумотларига кўра, шанбаликда Ўзбекистоннинг 9 миллион меҳнаткаши қатнашди, шулардан 685 минг киши бу кун станоклар ва машиналар ёнида ишлади, 390 минг киши қурилиш майдонларида меҳнат қилди, 204 минг киши транспорт ва алоқа системасида хизмат қилди. 1.600.000 дан ортиқ деҳқон ва чорвадор беш йиллик тўртинчи йили ҳосилига йўл очди, фермалар ва йилловларда меҳнат вахтасида тўрдн. Қолганлар қишлоқ ва шаҳарларимизни ободонлаштирдилар, миллион-миллион туп дов-дарахт кўчатларини ўтқаздилар.

Меҳнат байрамида маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилги шанбалик кўрсаткичларидан анча ошиб кетди ва бир неча ўн миллион сўмни ташкил этди. 9,3 миллион сўмлик қурилиш — монтаж ишлари бажарилди. Шанбалик фондига 6,2 миллион сўм ажратилди. Шу пулнинг тўртдан уч қисми қардош вьетнам халқига берилади.

(ЎзТАГ).

ВЬЕТНАМ ФОНДИГА

Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 109 йиллигига бағишлаб ўтказилган коммунистик шанбаликка Ғалаба райони меҳнаткашлари ҳам салмоқли ҳисса қўшишди. Район бўйича жами 42 минг киши шанбаликда қатнашди. Шундан 16,6 минг киши колхоз ва совхозларда, 5,8 минг киши саноат корхоналарида, 1,3 минг бунёдкор қурилиш ташкилотларида турли маҳсулотлар ишлаб чиқардилар, экинлар экишди, объектларни бунёд этдилар.

Саноат корхоналарининг коллективлари 220 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу ўтган йилдагига нисбатан 5 минг сўмлик кўпдир. Қурувчилар 30 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди, транспортчилар 3,1 минг сўмлик ҳажмда юк ташидилар. Бундан ташқари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда қатнашган 22,5 минг киши далалар ва боғлар кўркига кўрк қўшишди.

Район меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик фондига 47,3 минг сўм маблағ ўтказишди.

А. ТУРҒУНБОЕВ, Ғалаба район партия комитетининг секретари.

ПАРТИЯВИЙ ДОНИШМАНДЛИК НАМУНАСИ

Биз, Кичик ерликларнинг ҳаммаси Л. И. Брежневга Ленин мукофоти берилганлиги ҳақидаги хабарни беҳад хурсандчилик билан кутиб олдик. Унинг китобларида унутилмас давр босқичма-босқич, партиявий донишмандлик ва зўр самимийлик билан очиб берилган.

Мен Новороссийск яқинида бўлиб ўтган жанглар вақтида аввал 129-гвардиячи дивизия штабининг бошлиғи бўлдим, сўнгра 318-Новороссийск дивизиясига командирлик қилдим. Бу дивизия 18-армия составига кирар эди.

18-армия ветеранларининг кенгаши «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» асарларини пропаганда қилиш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар. Ҳар сафар ана шу ғоят оммабоп асарларнинг ўқувчилари билан учрашар эканмиз, бу китоблар миллион-миллион кишилар учун чинакам ҳаёт дарслиги бўлиб қолганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

В. Ф. ГЛАДКОВ,
Совет Иттифоқи Қаҳрамони.
Москва. (ТАСС).

БУТУНИТТИФОҚ АҲОЛИ РЎЙХАТИ: ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАР

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ Л. М. ВОЛОДАРСКИЙ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг дастлабки якунлари чиқарилди. Рўйхат маълумотларига кўра, мамлакатимиз аҳолиси 1979 йил 17 январда 262 миллион 442 минг кишига етди. Шундай қилиб революциядан аввалги даврдагига нисбатан аҳоли қўпайди.

Сўнгги икки марта—1970 ва 1979 йилларда аҳолини рўйхатга олиш ўртасидаги даврда аҳолининг кўпайиши барқарор суръатда рўй берди. Аҳоли бир йилда ўрта ҳисобда 0,92 процент кўпайди. Бу эса кўпгина капиталистик давлатлардагига нисбатан анча юқоридир. Масалан, АҚШда аҳоли бир йилда 0,85 процент, Буюк Британияда 0,10 процент кўпайди.

Ўтган аҳолини рўйхатга олишнинг дастлабки якунлари мамлакатнинг шарқий районларида аҳолининг анча тез кўпайганлигини кўрсатмоқда. Бу эса партия ва давлатнинг ана шу районларнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берган иқтисодий сиёсати натижасидир. БАМнинг, бир қанча йирик ёқилғи-энергетика ва саноат комплексларининг қурилаётганлиги кўплаб ишчи ва мутахассисларнинг Сибирь ҳамда Узоқ Шарққа келишларига сабаб бўлди. Масалан, Тюмень областида аҳоли сезиларли даражада ошди. Бу областда нефть ва газ қазиб чиқарадиган ҳамда уларни қайта ишлайдиган корхоналар барпо этилди ва ривожланмоқда.

Сўнгги тўққиз йил мобайнида шаҳарликлар 136 миллион кишидан 163,6 миллион кишига етди. Мамлакат бутун аҳолисига нисбатан шаҳарликлар олти процентдан 62 процентгача етди. Бу жараён тамомила тушунарли ва қонуний жараёндир. Бу жараён граждан уруши тугаганидан кейин бошланиб, индустриаллаштириш амалга оширилган дастлабки беш йилликлар давомида айниқса жўшқин давом этди. Совет ҳокимияти йилларида мамлакатда 1174 та шаҳар ташкил қилинди. Эндиликда бизда 18 та миллионер шаҳар бор. Бошқача сўз билан айтганда, бу шаҳарларнинг ҳар бирида миллиондан кўпроқ киши яшамоқда.

Шаҳар аҳолисининг қишлоқ аҳолисига нисбатан кейинчалик ўсиш суръатлари афтидан секинлашса керак. Ган шундаки, қишлоқда капитал қурилиш кенг кўламда олиб борилмоқда, маҳсулотни қайта ишлайдиган йирик корхоналар барпо этилмоқда, қишлоқнинг техника билан таъминланиши ўсиб бормоқда. Бу эса қишлоқда кадрларнинг доимий қолиб кетишини талаб қилади.

Совет Иттифоқи аҳоли сони жиҳатидан жаҳонда учинчи ўринни эгаллаб турибди. Бизда 122 миллиондан зиёд эркак ва 140 миллион аёл ҳисобга олинди. Шундай қилиб, ҳар 100 эркакка 114 аёл тўғри келади. Янгидан-янги авлодларнинг ҳаётга кириб бориши билан асосан ўтган урушнинг оқибати бўлган эркаклар билан аёллар сони ўртасидаги тафовут аста-секин қисқармоқда.

СССР Марказий Статистика Бошқармасининг бошлиғи халқ хўжалигида аҳолининг юксак даражада бандлигига эътиборни жалб этди. У айтдики, аҳоли рўйхати натижалари планлаштирувчи ташкилотларга мамлакатнинг меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшироқ ва самаралироқ ташкил этишга ёрдам беради.

Л. М. Володарский пировардида бундай деди: аҳолининг жинс, ёш, миллат, тил, маълумот савияси, никоҳда туриши, оилаларнинг ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар жиҳатидан территорияларда қандай тақсимланганлиги тўғрисидаги батафсил рўйхат маълумотларини СССР Марказий Статистика Бошқармасининг ҳисоблаш маркази белгиланган программага мувофиқ ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

ЁШ АВЛОДГА ҒАМХЎР ВА МЕҲРИБОН БЎЛАЙЛИК

(Боши 1-бетда).

лиш Совети катта ва самарали ишлар олиб борди. Нон етишмай турган бир пайтда Ленин худди шу 1919 йилда болаларни бепул овқат билан таъминлаш тўғрисидаги декретга имзо чекди. Оч қолган ва қаровсиз болалар учун гўдаклар уйлари, болалар ётоқхоналари ташкил этилиб, улар энг биринчи навбатда озиқ-овқат билан таъминланди. Болалар муассасаларига отадиқ ёрдами уюштирилди, халқ ҳокимияти болаларга нисбатан инсонпарварлик туйғулари билан суғорилган бошқа хил тадбирлар кўрди.

Совет ҳокимиятининг биринчи кунларидан бошлаб, соғлиқни сақлаш соҳасида талай тадбирлар кўрилди. Шулар орасида оналар ва болаларга бепул даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш марказий ўринлардан бирини эгаллади.

Мамлакатимиз ўзининг ёш гражданларн тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бола туғилиб, туғруқхонадан чиқарилгандан сўнг орадан 2—3 ой ўтмай, болалар врачлари ёки медицина ҳамширалари ўз участкалари бўйича гўдакни уйда бориб кўрадилар. Яшаб турган жойлар бўйича болалар консультациялари чақалоқларнинг аҳволидан хабар олиб туради. Мазкур муассасалар ёш оналарнинг ҳузурига бепул равишда тегишли ҳамшираларни юбориб, болани тўғри овқатлантириш ва ювиб-тараш бўйича маслаҳатлар берадилар, шу ишларга ўргатадилар. Боланинг туғилишидан тортиб унинг бир ёшга тўлгунича бўлган вақт ичида давлатимиз ижтимоий истеъмол фондларидан сарфлаган ҳаражатлари 200 сўмни ташкил этмоқда.

Совет жамияти тарихининг турли босқичларида болалар ҳуқуқини муҳофаза қилиш бўйича Совет қонунлари муттасил ривожланиб, такомиллашиб борди.

Ҳозирги вақтда туғруқхоналар, болалар консультациялари, санаторийлар, яслилар, боғчалар, комбинатлар ва бошқа муассасалар ёш гражданларнинг саломатлигини сақлаш бўйича кенг миқёсда иш олиб бормоқда.

СССРда болалар касалликлари ҳамда ўлимига қарши курашдан ташқари профилактик тадбирларнинг бутун бир комплекси амалга оширилмоқда, булар болаларнинг нормал ўсишини таъминлмоқда ва улар саломатлигини мустаҳкамлашни кўзда тутмоқда. Болаларга медицина хизмати кўрсатиш системаси шундай ташкил этилганки, унда на фақат бемор, балки соғлом болалар ҳам врач назорати остида бўлмоқда.

Революциядан аввал чоризмнинг собиқ чекка мустамлака ўлкаси бўлган Ўзбекистонда Советлар замонида болалар саломатлигининг давлат томонидан муҳофаза қилиниши айниқса катта аҳамиятга эгадир.

Маҳаллий эксплуататорлар, мустамлака амалдорлари томонидан эзилган ўзбек ҳалқи революциядан аввал қашшоқлик шароитида яшаб келди. Ўлкада тез-тез чечак, вабо каби юқумли касалликлар эпидемиялари содир бўлиб турарди, ҳар йили минглаб болалар сил касаллигига дучор бўлиб нобуд бўларди.

20-йиллар бошига келиб Туркистонда аввало Тошкент, Самарқанд ва Фарғонада, сўнг эса бошқа шаҳарларда болаларни муҳофаза қилиш бўйича муассасалар тармоғи ташкил қилина бошланди.

Хотин-қизларни озодликка чиқариш учун олиб борилган кураш даврида яъни ҳужум йилларида болалар муассасаларини ташкил этиш суръатлари янада тезлашди. Оналик ва болалик муассасалари, болалар боғчалари ва яслилари хотин-қизларни иқтисодий қуллиқдан халос қилишда ҳам, уларнинг маданий савиясини оширишда ҳам, меҳнат ва сиёсий фаолигини таъминлашда ҳам бебаҳо аҳамият касб этди.

Бизнинг давлатимиз ва жамиятимиз ёш авлодниг соғлом, бахтиёр бўлиб ўсиши учун барча чораларни кўрмоқда. Ҳар йили болалар саломатлигини сақлаш, мактаблар, мактабгача болалар ва мактабдан ташқари муассасалар, шунингдек, болалар касалхоналари ва санаторийлари, пионер лагерлари, театрлар ва кутубхоналар, музика ва спорт мактаблари қурилиши учун кўплаб маблағ сарфланмоқда, улар миқдори кун сайин ортиб бормоқда. Республикамизда доимий ишлаб турувчи мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида ўринлар сони 1965—1975 йилларда, 275,1 мингдан 651,2 мингта кўпайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 300 га яқин мактабгача тарбия муассасалари 33 мингдан кўпроқ болага мўлжалланган боғча-яслилар қурдилар. Янги болалар боғчаларининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда қурилди.

Совет мактаби зиммасига ҳаётнинг ўзи, ижтимоий тараққиёт юксак талаблар қўймоқда. Бу талаблар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети умумтаълим мактабларида ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида 1977 йил декабрида чиқарган қарорида аниқ-равшан ифодалаб берилган. Ўқитувчиларнинг кўп минг кишилик отряди ҳозирги кунда партиямизнинг ана шу режаларини амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

Мамлакатимизда мажбурий-умумий ўрта таълимнинг жорий қилиниши кўпгина масалаларни ҳал этишни талаб этмоқда. Ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашнинг замонавий методлари, воситалари ҳамда ташкилий формаларини ўқув жараёнида қўллаш учун ҳали кўп ишларни амалга ошириш даркор. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида қилган докладда таъкидлаганидек, бу соҳада бизда катта иш олиб борилмоқда. Албатта бу иш эҳтиёткорлик билан, пухта ўйлаб амалга оширилмоқда.

Мактабда таҳсил кўраётган авлодни оталиққа олиш, муносиб ўринбосарларни тарбиялаб етиштириш Ленин комсомоли фаолиятида энг муҳим масалалардан бири бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Биринчи пионерларнинг «Авлод ўрнини авлод босади» деган шиори эстафета сифатида ўтиб бормоқда. Ёш авлодга оталик қилишнинг шакллари хилма-хил ва кўп қиррали бўлиб, улар Советлар мактаби ёш гражданларини ўқитиш ва тарбиялаш ишининг ҳамма жиҳатларини қамраб олган. Бунда айниқса меҳнат тарбиясига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ёш гражданларимиз учун кенг меҳнат майдони мавжуддир. Улар ихтиёрига мактаб ишлаб чиқариш устаҳоналари, тажриба участкалари, гулхоналар, боғлар бериб қўйилган, улар учун ишлаб чиқариш бригадалари, меҳнат ва роҳат лагерлари ташкил қилинган. Уларда фарзандларимиз меҳнатга биринчи қадам қўядилар ва бунёдкорлик ишларининг дастлабки қувончларини татиб кўрадилар. Ўқитишни унумли меҳнат билан қўшиб олиб бориш тўғрисидаги ленинча ғояларни амалга оширишнинг самарали формаси сифатида ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари катта роль ўйнамоқда. Ҳар йили юқори синф ўқувчиларидан 15 мингдан ортиғи колхоз ва совхоз далаларида меҳнат қилмоқда. Ўтган йили мактабни битириб чиққан 8,5 минтга яқин йигит-қиз қишлоқ хўжалигида ишлашга аҳд қилди.

Болаларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашда адабиёт катта роль ўйнайди. Эндиликда адибларимиз замонамиздаги мураккаб воқеаларни пухта билиб олишга, улар ҳақида фикр юритишга, олий жаноб ишларни амалга оширишга, катта ҳаёт қозонида қайнашга ёрдам берадиган бадиий асарларни яратмоқдалар ва яратишлари ҳам керак.

Республикамизда болалар ёзувчилари ва шоирлари Ҳамза, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғайратий, Яшин, Уйғун, Зулфия, Н. Сафаров, Миртемир каби устозларининг анъаналарини давом эттириб, илғор рус адабиётининг намоёндаларидан ўрганиб, ўз бадиий маҳоратларини тобора ошириб бормоқдалар. Ўзбек болалар адабиётининг энг яхши намуналари Бутуниттифоқ миқёсида нашр этилиб, рус тили орқали кенг ўқувчилар оммасига маълум бўлди, айримлари эса мамлакатимиздан ташқарида ҳам чоп этилди. Кейинги ўн йил ичида Москвадаги «Детская литература», «Молодая гвардия», «Малыш» нашриётлари ўзбек адибларининг болаларга аталган ўндан ортиқ китобини рус тилида чиқарди.

Совет гражданлари учун болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш социалистик турмуш тарзининг ажралмас бўлаги бўлиб қолди. Эндиликда бундай ғамхўрлик совет Иттифоқини келиб кўрган чет эллик илғор сиёсий ва жамоат арбобларини, адибларини, журналистларини, олимларини ҳайратга солмоқда.

Инсоният ўзида бўлган жамийки неъматларнинг энг яхшисини болаларга бахш этиши лозим — «Болалар ҳуқуқлари декларациясида» ана шу сўзлар ёзиб қўйилган. Биз шуни ишонч билан айта оламизки, БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган болалар ҳуқуқлари декларациясида эълон қилинган олийжаноб принциплар Совет Иттифоқида реал воқеликка айлангандир.

Аммо Совет кишилари ҳозирги кунда ҳам жаҳонда 500 миллион бола очликдан азоб чекаётганини, миллионлаб болалар мактабда ўқиш ҳуқуқидан маҳрум эканлигини, яна улар ҳарбий самолётлар ва бомбаларнинг даҳшатли шовқин-суронидан безаволат бўлаётганлигини яхши биладилар ва бунга хотиржам қараб тура олмайдилар.

Капитал мамлакатларида болалар буржуа дунёсининг ўзларига тамомила ёт тузум эканлигини яхши ҳис қиладилар. Бу мамлакатларда мол-мулк эгаларининг фарзандларигина ўзларини бахтиёр ҳис қиладилар. Носоциалистик давлатларда 52 миллиондан ортиқ бола оч қолмаслик учун оғир меҳнат қилишга мажбурдир. Ўзининг фаровонлиги тўғрисида муттасил жар солиб келаётган Америка Қўшма Штатларида 800 минг, Италияда 600 минг, Англияда 650 минг бола оғир меҳнат билан шуғулланмоқда.

Ёш авлоднинг бахтли ҳаёт кечириши учун кураш жаҳон халқларининг тинчлик, ижтимоий тараққиёт, миллий мустақиллик, эзулм ва эзилишдан холос бўлиш учун олиб бораётган курашининг бир қисмидир. Ҳозирги вақтда ҳар йили қуролланиш пойгаси, урушга тайёргарлик инсониятга 400 миллиард долларга тушмоқда. Айни вақтда ана шу маблағнинг 1 процентигина, яъни 4 миллиард долларнинг ўзи 200 миллион болани озиқ-овқат билан таъминлаш учун, 9 миллиард доллар эса 900 миллион болани ўқиш ва ёзишга ўргатиш учун етарлидир. Жаҳонда урушоқ кучлар мавжуд экан, болаларнинг ҳаёти ва бахт-саодати хавф-хатар остида қолаверади. Совет кишилари шу билан фахрланишга ҳақлидирларки, КПСС доно раҳбарлиги остида бизнинг мамлакатимиз халқаро тангликни юмшатиш учун, янги жаҳон урушига қарши курашнинг авангардида бормоқда.

Болаликни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишда мамлакатимиз туплаган тажриба катта халқаро аҳамиятга эгадир. Бу тажриба шундан далолат берадики, фақат социализмгина бахтли болаликни таъминлаш мумкин. Социализм оналарга ғамхўрлик қилади, уларнинг ўз оналик бурчларини бажаришларини ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолият билан қўшиб олиб боришлари учун имконият яратади. Буларнинг ҳаммаси фарзандларимизнинг ҳар тарафлама камол топишлари учун зарур бўлган фактордир.

Областимизда ана шу олижаноб вазифа қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида Янгийўл шаҳар партия комитетининг секретари **Д. Ҳасанова**, Оржоникидзе район ижроия комитети раисининг ўринбосари **С. Рустамов**, область ёш техниклар станциясининг директори **Т. И. Аленина** конференция қатнашчиларига сўзлаб бердилар.

Конференция қатнашчилари халқаро болалар йилини намунали ўтказишни таъминловчи тадбирлар баён этилган тавсияларни қабул қилдилар.

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ ТАНТАНАСИ

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

ЎТГАН шанбада областимиз шаҳар ва қишлоқларининг файзи-таровати ўзгача, мафтункор бўлди. Эрта тонгдан гавжумлашиб кетди у. Карнай-сурнайлар, духовой оркестрлар, дўмбира-чилдирмаларнинг овози баҳорнинг нафис тонгида таралиб, барча кишиларни коммунистик меҳнат байрамига чорлади. Шаҳар ва қишлоқларимиз меҳнаткашлари эўр ғурур ва ифтихор, қалб даъвати билан меҳнат қўйнига отланишди.

ШАНБА — дам олиш куни. Совет кишилари бу кунни ҳордиқ чиқариш билан ўтказишлари мумкин эди. Лекин, она-Ватанга бўлган муҳаббат, давлатимиз қуч-қудратини янада ошириш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга бўлган интилиш, социалистик тузум туфэйли вужудга келган ажойиб анъанага садоқат уларни бу кун меҳнатга отлантирди. Москвадаги қатор илғор саноат корхоналари коллективларининг улуғ доҳий Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 109 йиллигига 21 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусларига барча совет кишилари қатори лаббай деб жавоб берган областимиз ишчилари, деҳқонлари, зиёлилари бу кунни коржомадаги меҳнат байрамига айлантиришга азму-қарор қилишган эди.

Шунинг учун ҳам орзиқиб қутилган шанбалик умумхалқ байрамидек бошланди. Бутун борлиқ бамисоли байрам либосига бурканган эди. Кўчалар, корхоналар корпуслари пештоқларидаги, қурилиш майдонларидаги кизил алвонлар, сонсиз-саноқсиз плакатлар, ҳамма жойда ҳукмрон бўлган кўтаринки кайфият катта байрамларни эслатарди. Кўпчилик корхоналар, колхоз-совхозлар, қурилиш ва транспорт ташкилотларида шанбалик бошланиши олдидан тантанали митинглар, йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда сўзга чиққан ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар шанбалик ўтказиш совет кишиларининг ажойиб анъаналаридан бири эканлигини таъкидлаб, унга садоқатли бўлиш, уни ҳар томонлама уюшқоқлик ва унумли ўтказиш ҳар бир ишчи-хизматчининг шарафли, муқаддас бурчи эканлигини таъкидладилар. Улар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кенг меҳнаткашлар оммаси таклифини инобатга олиб, шанбаликда тушадиган маблағнинг 75 процентини Хитой агрессияси натижасида Вьетнам Социалистик Республикаси кўрган зарарни бартараф этиш фондига бериш ҳақида чиққан қарорини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаганликларини билдирдилар. Бугун ҳар қачонгидан ҳам самарали ва сифатли меҳнат қилиш учун бутун маҳорат, тажриба, билимларини сарфлашга бел боғлаганларини айтдилар.**

Бундан 60 йил илгари биринчи бор ўтган ва шахсан улуғ доҳий Владимир Ильич Ленин иштирок этган ҳамда унинг таърифи бўйича тарихимизга «Буюк почин» номи билан кирган шанбалик областимизда шундай зўр уюшқоқлик билан бошланди.

Корхоналарда минглаб станоклар ишга туширилди, қурилиш майдонларидаги кўтарма кранлар, экскаваторлар, бошқа бинокорлик механизмлари қайқириғи янграй бошлади, далаларда экиш-тикиш, экинларни, боғ-роғларни парвариш қилиш ишлари бошланиб кетди, ўн минглаб автомашиналар халқ хўжалик юкларини ташиш учун рейсларга чиқди....

Шанбаликда юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, маҳсулотнинг сифатли бўлишини таъминлаш шиори остида меҳнат қилган ўнлаб коллективлар, минглаб ишчилар, деҳқону чорвадорларнинг иш кўрсаткичлари оддий кунлардагидан анча ортиқ бўлди.

Доимгор йигирувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева норманн бажаришда Тошкент тўқимачилик комбинати бўйича энг юқори натижага эришди. Шанбаликни пухта тайёргарлик билан бошлаш, ихтиёридаги дастгоҳлар ҳамда иш вақтидан самарали фойдаланиш туфайли бир смена давомида 220 килограмм калава ишлаб чиқарди. Бу оддий кунлардагидан 10 килограмм ортиқдир. **Бир йўла икки комплект дастгоҳларни** бошқараётган донгдор тўқимачининг меҳнат календарида шу куни 1982 йилнинг сўнгги ойи бошланди.

«Оҳангарон» совхозининг чўпони Ғафур Ризқулов ҳам катта зафар қучганлиги ҳақида рапорт берди. У бу йил ҳар юз бош совлиқдан 125 тадан қўзи олишга ваъда берган эди. Моҳир чўпон худди шанбалик куни бу маррани эгалладн. Умуман совхоз бўйича коммунистик меҳнат байрамида бир минг бир юз киши қатнашиб, ўнларча минг сўмлик иш бажарилди. Беш йиллик фондига эса 3 минг сўм ўтказилди.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси цехлари ўртасида иккинчи тикувчилик цехи коллективи энг юқори меҳнат натижасига эришди. Кунлик топшириқ бир ярим баравар қилиб адо этилди, бу ўнинчи беш йиллик тўртинчи йилининг ўтган кунларида эгалланган энг юксак марадир. Умуман тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида шанбалик жуда самарали бўлди. Шуни айтиш кифоякн, бу тармоқ ишчи-хизматчиларидан 52 мингга яқин киши умумхалқ ҳашарида қатнашиб, бир миллион 200 минг сўмликдан кўпроқ ялпи маҳсулот ишлаб чиқарди. Жумладан, салкам 30 минг жуфт пойафзал, 580 минг дона устки ва ички трикотаж, 9248 та тикувчилик буюмлари, 95 минг дона чинни идишлари, ўн мингларча метр газлама-лар ва бошқа кўпгина маҳсулотлар тайёрланди. Енгил саноат ходимлари тушган бир неча юз минг сўмлик иш ҳақини беш йиллик фондига бериндн.

Энергетикларимиз ҳам шанбаликни яхшн ўтказишди. Нурхоналар, электр тармоқлари корхоналари ишчи-хизматчиларидан 22 минг киши бевосита меҳнат постларини эгаллашди. Улар ишлаб чиқарган ялпи маҳсулот 1 миллион сўмликни ташкил этди. Бундан ташқари, қурилиш объектларида 200 минг сўмлик иш бажарилди. Беш йиллик фондига ўтказилган маблағ 62 минг сўм атрофида бўлди.

Областимиз бинокорлари кенг ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини амалга оширишди. Қурилиш объектларида 80 мингга яқин киши меҳнат қилди. 1 миллион 750 минг сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Автотранспорт ходимларидан 40 мингдан ортиқ киши шанбаликда иштирок этди, 200 минг тоннадан кўпроқ халқ хўжалик юклари белгиланган манзилларга етказиб берилди.


Дала меҳнаткашлари ҳам умумхалқ ҳашарида фаол қатнашдилар. Далаларда, боғ ва узумзорларда юз мингдан ортиқ киши меҳнат қилди. Уларнинг беш йиллик фондига ўтказган маблағлари 50 минг сўмдан ортиқроқ бўлди.

Коммунистик шанбаликни ўтказувчи область штабига умумхалқ ҳашари оммавий ва самарали ўтганлигини кўрсатувчи бундай рапортлар жуда кўп тушди. Бу ерда уларнинг айримларинигина келтирдик.

Дастлабки ҳисобларга қараганда областимизда қизил шанбаликда салкам 1,5 миллион ишчи-хизматчи, деҳқон, зиёли, студент ва ўқувчилар иштирок этишди. Ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот миқдори 13 миллион сўмликка яқинни ташкил этди. Барча маҳсулотнинг 253 минг сўмлиги тежалган материаллар ва хом ашё ҳисобига ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, кенг кўламда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Умумхалқ ҳашари областимиз механизаторлари, совет кишиларининг ажойиб анъанасига содиқ эканликларини, КПСС XXV съезди тарихий қарорлари, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли амалга оширишга ҳисса қўшишга астойдил интилаётганликларини яна бир бор ёркин намойиш қилди.

М. МИРҲАМИДОВ.





Коммунистик шанбаликда 11-«Висотстрой» трестининг Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Мухтор Хабибуллаев [суратда чапда] бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси коллективи ҳам актив иштирок этди. Улар пойтахтдаги улкан кино-концерт зали қурилишида 2000 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар.

Н. Ўтарбеков фотолари.

360 ТОННА ТОЛА

«ШАНБАЛИКНИ коммунистик меҳнат байрамига айлантирамиз». Бўка пахта тозалаш заводи ишчи-хизматчилари Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига ана шундай шнор остида қизғин тайёргарлик кўрдилар. Корхонанинг юзлаб ишчилари коммунистик шанбаликда юксак меҳнат кўрсаткичларига эришдилар.

А. Жавдатов бошчилик қилаётган 1-бригада аъзолари планни тола ишлаб чиқариш бўйича 110 процент, момиқ тайёрлаш бўйича эса 112 процент қилиб бажаришди. И. Ҳамроқулов раҳбарлик қилаётган юкчилар бригадаси эса 360 тонна пахта маҳсулотини ортиш-тушириш ишларини амалга оширишди. Бу, нормадагидан 20 процент кўпдир.

Шанбаликда корхонанинг 710 ишчи-хизматчилари қатнашди. Юзлаб ишчилар меҳнат постларини эгаллашди ва бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш билан машғул бўлишди. Бир кунда завод бўйнча юз минг сўмлик маҳсулот, жумладан, 60 тонна пахта толаси, 10 тонна момиқ ва 40 тонна уруғлик чигит ишлаб чиқарилди. 1020 сўмлик иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилди.

Ҳ. ТЕМИРОВ,
завод ишчиси.

ЗАРБДОР МЕҲНАТ

ДОҲИЙ В. И. Ленин туғилган кунининг 109 йиллиги шарафига бағишлаб ўтказилган коммунистик шанбалик ҳамма жойлардаги каби пойтахтимизнинг Киров районн саноат корхоналарида қурилиш ва транспорт ташкилотларида юксак кўтаринки руҳда ўтди. Жумладан, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3050 кишилик коллективи 21 апрелда юқори меҳнат унумдорлигига эришдилар. 2100 киши бевосита иш жойларида меҳнат қилиб, 113 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу одатдаги иш кунидагидан 5,4 минг сўмлик кўп демокдир. Қишлоқ хўжалиги машинасозлари шанбаликда қишлоқ меҳнаткашларига 50 минг сўмлик турли машина-механизмлар, 10 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар, 3 минг сўмлик кенг истеъмол буюмларн ва 50 минг сўмлик турли бошқа маҳсулотлар етказиб беришди. Шундан 25 минг сўмлик маҳсулот йил бошидан буён тежалган хомашё ва материаллар ҳисобидан ишлаб чиқарилди. Узбексельмашчилар ўнинчи беш йиллик фондига 6300 сўм ўтказишди.

Заводнинг меҳнат ветерани, темирчилик-пресс цехининг термисти, Улуғ Ватан уруши иштирокчиси Қурмонтой Тўлебоев кунлик топшириғини 130 процент бажарди. Унинг ўнлаб ҳамкасблари ҳам ветерандан намуна олиб, смена топшириқларини ортиғи билан адо этдилар.

Тошкент Алоқа электротехника институти ва Ўрта Осиё педиатрия институтининг 6,5 мингдан ортиқ студентлари кўчалар, майдонлар, турар-жой массивлари, ўқув юртлари территорияларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда катта ҳажмда турли ишларни амалга оширишди. Педиатрия институтининг студентлари Аҳмад Дониш, Жаҳон Обидова кўчаларида, Юнусободдаги ётоқхоналар атрофида ва Оржоникидзе районидаги 4 та ётоқхона территориясида ариқ-майдонларни тозалаш, дарахт кўчатлари ўтказиш ишларини бажаришди.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам тўқувчиси, ўнлаб ташаббусининг иштирокчиси Шоира Холмуҳаммедова айни кунларда 1982 йилнинг август ойи ҳисобига меҳнат қиляпти. Бу пешқадам тўқувчи 21 апрелда нормадаги 41 килограмм ўрнига 83 килограмм трикотаж газламаси тўқиб, шахсий планини 205 процент бажарди. Шунингдек, мазкур бирлашманинг пешқадам бичиқчиси Раиса Сусокина шанбаликда нормадаги 185 ўрнига 250 та кийимга бичиқ тайёрлаб, планини 135 процент бажарди. Шуниси диққатга сазоворки, Р. Сусокина йил бошидан буён 192 килограмм хомашё тежади ва шанбаликда ана шу хомашё ҳисобидан маҳсулот тайёрлади. Бирлашманинг 1-фабрикаси илғор ишчиси Ойша Чеутова бошлиқ бригада ҳалқаро болалар йилида ўзлари тикаётган кийим-кечакларнинг кўримлилиги ва сифатини янада яхшилаш учун тинмай изланмоқдалар. Бу бригада чеварлари шанбаликда болалар учун юзлаб бежирим кийим-кечаклар тикиб, смена нормасини пландагидан 10 процент ошириб бажаришди.

Пойтахтимиздаги 11-«Висотстрой» трести бунёдкорлари шанбаликни юксак кўтаринки руҳда ўтказдилар. Машҳур қурувчи Мухтор Ҳабибуллаев бошлиқ комплекс бригада коллективи Ўрта Осиёда энг йирик бўладиган киноконцерт зали қурилишида меҳнат қилаяпти. Машҳур қурувчи Злобининг бригада пудрати усулида ишлаётган бу коллектив шанбаликда смена топшириғини 200 процентга етказиб бажарди.

«Қизил шанбалик»да Киров районининг юз минг ишчи ва хизматчилари иштирок этдилар. Шундан 19 минг киши бевосита иш жойларида маҳсулот ишлаб чиқарди, 4 минг киши қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди. Район корхоналари коллективлари 918,5 минг сўмлик маҳсулот тайёрладилар, қурувчилар ўз кучлари билан 134,8 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди. Район меҳнат аҳли ўнинчи беш йиллик фондига 80 минг сўм ўтказди.

М. МИРКАРИМОВ.

БОҒЛАР ҚЎЙНИДА

БУГУНГИ далалар кўрки жуда гўзал. Фасллар келинчаги — баҳор боғларимизга, узумзорларимизга, чорвамиз боқилаётган яйловларга ажойиб файз киритган. Ҳаммаёқ кўм-кўк, дилни хушнуд этади.

Совхозимиз ишчи-хизматчилари ҳам шанбаликни ана шу гўзал далалар, боғлар қўйнида ўтказишди, меҳнат жабҳасида жавлон уришди. Токларни тараш, мевали дарахтларни парвариш қилиш билан шуғулланишди. Чорвачилик фермаларининг санитария ҳолатини яхшилаш, қишлоқларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича анчагина ишлар қилинди.

Шанбаликда юзлаб ишчилар бевосита меҳнат постида турдилар. Ишчи Адаш Бузруков шанбалик куни нормани 200 процент қилиб бажарди. Юзлаб бошқа ишчилар ҳам шу куни оддий кунлардагига нисбатан анча баракали меҳнат қилишди.

Совхоз бўйича 2,5 минг сўмлик иш ҳақи тушди. Бу маблағнинг ҳаммаси беш йиллик фондига ўтказилди.

Д. ЎТБОСАРОВ,
Паркент совхози.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА 1979 ЙИЛ БИРИНЧИ КВАРТАЛДА ЕТИШТИРИЛГАН ВА ҲАР БИР СИГИРДАН ЎРТАЧА СОҒИБ ОЛИНГАН СУТ

Ўринлар		Хўжаликлар	Районлар	Ҳар бир сигирдан ўртача соғиб олинган сут (кг)			Ялпи сут етиштириш (центнер)		
1979 йил	1978 йил			1979 йил	1978 йил	+—	1979 йил	1978 йил	+—
1	1	«Октябрь 40 йиллиги» колхози	Бўка	1202	1172	+ 30	1630	1570	+ 60
2	2	«Политотдел» колхози	Коммунистик	1171	1170	+ 1	7560	7045	+515
3	6	«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози	Тошкент	1116	1030	+ 86	4510	4095	+415
4	5	«Партия XXI съезди» совхози	Калинин	1090	1040	+ 50	1630	1352	+278
5	3	«Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми	Чиноз	1063	1070	— 7	15340	15192	+148
6	8	«Коммунизм» колхози	Янгийўл	1042	998	+ 44	2770	2945	—175
7	7	Навоий номли колхоз	Тошкент	1029	1005	+ 24	3320	3163	+157
8	24	К. Маркс номли колхоз	Тошкент	1014	841	+173	2300	1908	+392
9	26	Калинин номли колхоз	Калинин	1001	840	+161	2160	1855	+305
10	29	«Корасув» совхози	Калинин	994	832	+162	2050	1707	+343
11	4	«Ленинский путь» колхози	Коммунистик	987	1049	— 62	4710	4701	+ 9
12	21	Свердлов номли колхоз	Коммунистик	980	891	+ 89	5120	4525	+595
13	9	Ленин номли колхоз	Бекобод	979	976	+ 3	3920	3740	+180
14	18	«Правда» колхози	Коммунистик	962	917	+ 45	6580	6229	+351
15	44	«Хасково» совхози	Калинин	936	782	+154	2510	2089	+421
16	92	«Москва» колхози	Ғалаба	922	660	+262	860	619	+241
17	10	Димитров номли колхоз	Ғалаба	911	972	— 61	4980	4961	+ 19
18	96	«Москва» колхози	Калинин	911	880	+ 31	1052	968	+ 86
19	13	«Красний водопад» экспериментал базаси	Оржоникидзе	906	903	+ 3	6460	5710	+750
20	45	«Ўзгариш» совхози	Калинин	890	780	+110	1510	1325	+185
21	55	Куйбишев номли колхоз	Оққўрғон	888	760	+128	1230	1140	+ 90
22	47	Ильич номли колхоз	Бўка	884	779	+105	840	760	+ 80
23	34	Свердлов номли колхоз	Пискент	881	804	+ 77	2140	1696	+444
24	40	«Ўзбекистон» парранда-чилик фабрикаси	Калинин	879	792	+ 87	1200	1133	+ 67
25	59	Оржоникидзе номли колхоз	Калинин	871	749	+122	1550	1283	+261
26	35	Ҳ. Турсунқулов номли колхоз	Янгийўл	869	803	+ 66	2460	2265	+195
27	42	Куйбишев номли колхоз	Калинин	868	790	+ 78	1190	988	+202
28	46	Гагарин номли совхоз	Калинин	868	780	+ 88	1200	1100	+100
29	22	«Ленин йўли» колхози	Тошкент	866	885	— 19	1760	1752	+ 8
30	37	«Назарбек» совхози	Калинин	866	801	+ 65	930	809	+121
31	11	«КПСС XXV съезди» совхози	Бекобод	865	971	—106	3300	3200	+100
32	33	«Победа» колхози	Ғалаба	865	807	+ 58	1430	1244	+186
33	20	Ҳамза номли колхоз	Бўка	864	913	— 49	1970	1845	+125
34	17	Темирязев номли колхоз	Бўка	860	918	— 58	1040	1037	+ 3
35	28	«Қибрай» совхози	Оржоникидзе	859	834	+ 25	1340	1240	+100
36	14	С. Раҳимов номли колхоз	Тошкент	858	948	— 90	440	332	+108
37	155	«Партия XXIV съезди» совхози	Чиноз	848	492	+356	7600	3085	+4515
38	25	Ильич номли колхоз	Тошкент	846	840	+ 6	2200	2135	+ 65
39	27	Вотинцев номли колхоз	Оққўрғон	846	836	+ 10	1740	1735	+ 5
40	19	СоюзНИХИ марказий экспериментал базаси	Оржоникидзе	845	917	— 72	1200	1320	—120
41	63	Энгельс номли колхоз	Ғалаба	833	722	+111	900	793	+107
42	31	«Огонёк» совхози	Ғалаба	832	818	+ 14	1760	1758	+ 2
43	12	Жданов номли колхоз	Бўстонлик	828	970	—142	780	854	— 74
44	38	«Партия XX съезди» колхози	Калинин	826	796	+ 30	1160	1016	+144
45	48	Ниёзов номли колхоз	Янгийўл	822	776	+ 46	1410	1342	+ 68
46	36	«Ленин йўли» колхози	Ўрта Чирчиқ	818	801	+ 17	1740	1570	+170
47	67	Дзержинский номли колхоз	Бекобод	814	714	+100	1750	1511	+239
48	74	Сабзавотчилик-полизчилик институти	Тошкент	809	702	+107	1060	934	+126
49	75	Охунбобоев номли колхоз	Тошкент	805	694	+111	2080	1755	+325
50	39	Охунбобоев номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	803	795	+ 8	1220	1190	+ 30
51	112	«Ленинград» колхози	Бўстонлик	795	627	+168	1130	1047	+ 83
52	50	«Партия XX съезди» колхози	Бўка	792	771	+ 21	970	933	+ 37
53	56	Киров номли ўқув-хўжалиги	Ғалаба	791	759	+ 32	3310	3344	— 34
54	30	«Ўзбекистон» колхози	Коммунистик	790	823	— 33	4190	3850	+340
55	99	«Озод» колхози	Оққўрғон	780	646	+134	1210	1118	+ 92
56	70	Калинин номли колхоз	Пискент	778	710	+ 68	1080	1001	+ 79
57	49	Охунбобоев номли колхоз	Пискент	775	774	+ 1	1980	1733	+247
58	15	«Ленинизм» колхози	Янгийўл	772	743	+ 29	3158	3041	+117
59	58	У. Юсупов номли ишлаб чиқариш-аграр бирлашмаси	Янгийўл	769	750	+ 19	2250	2250	—
60	64	Мичурин номли колхоз	Бўка	765	720	+ 45	1040	950	+ 90
61	41	«Ленин йўли» колхози	Бўка	760	792	— 32	1690	1616	+ 74
62	80	Абдураҳмонов номли совхоз	Тошкент	760	681	+ 79	1140	1035	+105
63	57	Свердлов номли колхоз	Ғалаба	759	751	+ 8	2510	2266	+244
64	130	Калинин номли совхоз	Ғалаба	758	602	+156	1410	1180	+230
65	157	«Коммунист» совхози	Коммунистик	755	475	+280	1660	1320	+340
66	113	Ленин номли колхоз	Оржоникидзе	753	625	+128	2310	2160	+150
67	91	«Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози	Ғалаба	750	660	+ 90	5380	4455	+955
68	16	«Ғаллақудуқ» совхози	Оҳангарон	750	923	—173	1020	1107	— 87
69	96	«Москва» совхози	Калинин	750	655	+ 95	788	655	+133
70	83	Ленин номли колхоз	Тошкент	746	670	+ 76	2120	1797	+323
71	76	Калинин номли колхоз	Янгийўл	745	691	+ 54	1380	1259	+121
72	53	«Интернационал» колхози	Янгийўл	745	762	— 17	1290	1136	+154
73	54	Ким Пен Хва номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	744	760	— 16	2310	2200	+110
74	106	«Ленинобод» совхози	Коммунистик	735	639	+ 96	1800	1554	+246
75	73	«Ленинград» колхози	Ғалаба	734	704	+ 30	2200	2006	+194
76	66	Свердлов номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	728	715	+ 13	1180	1180	—
77	52	«Октябрь» колхози	Оржоникидзе	726	764	— 38	2200	2230	— 30
78	72	«Бўзсув» совхози	Калинин	725	707	+ 18	1780	1618	+162
79	89	«Ленинизм» колхози	Бўка	719	664	+ 55	970	934	+ 36
80	95	Ҳ. Олимжон номли колхоз	Оққўрғон	718	655	+ 63	1220	1000	+220
81	129	Фрунзе номли колхоз	Бўстонлик	716	602	+114	1370	1241	+129
82	69	«Ленинобод» колхози	Оққўрғон	712	711	+ 1	1740	1593	+147
83	102	Энгельс номли колхоз	Чиноз	712	645	+ 67	950	883	+ 67
84	43	Ленин номли колхоз	Ғалаба	704	782	— 78	2210	2385	—175
85	94	Серго номли совхоз	Оҳангарон	704	655	+ 49	1850	1690	+160
86	147	«Қизил Октябрь» колхози	Чиноз	703	525	+178	1290	972	+318
87	65	1-«Пискент» совхози	Пискент	699	717	— 18	4060	3844	+216
88	62	«Заря коммунизма» колхози	Ғалаба	697	724	— 27	2350	2017	+333
89	87	Ленин номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	694	666	+ 28	1230	1120	+110
90	84	Ворошилов номли совхоз	Оҳангарон	692	669	+ 23	2360	2167	+193
91	88	«Партия XIX съезди» колхози	Бўка	695	664	+ 31	1050	1010	+ 40
92	156	«Қозогистон ССР 30 йиллиги» колхози	Бўстонлик	690	485	+205	1350	1121	+229
93	61	«Паркент» совхози	Коммунистик	688	725	— 37	2810	2930	—120
94	82	«Коммунизм» колхози	Бўка	687	673	+ 14	820	740	+ 80
95	125	«Ленинизм» колхози	Оққўрғон	685	606	+ 79	1460	1309	+151
96	79	«Октябрь 40 йиллиги» колхози	Чиноз	685	685	—	1120	1014	+106
97	98	«Партия XXII съезди» колхози	Ўрта Чирчиқ	685	647	+ 38	740	700	+ 40
98	81	2-«Пискент» совхози	Пискент	685	674	+ 9	3370	2900	+470
99	60	А. Икромов номли колхози	Ўрта Чирчиқ	683	748	— 65	780	830	— 50
100	161	«Авангард» совхози	Бекобод	682	459	+223	1700	1090	+610
101	110	Ҳамза номли колхози	Ғалаба	680	631	+ 49	2000	1590	+410
102	139	Тельман номли колхоз	Пискент	680	563	+117	1010	828	+182
103	32	Волков номли совхоз	Ғалаба	676	813	—137	4170	3683	+487
104	97	«Северний маяк» колхози	Ўрта Чирчиқ	675	649	+ 26	2220	2110	+110
105	112	«Ленинград» совхози	Тошкент	675	624	+ 51	1320	1255	+ 65
106	90	К. Маркс номли колхоз	Чиноз	675	661	+ 12	1120	986	+214
107	100	«Партия XXII съезди» колхози	Оққўрғон	669	646	+ 23	1140	1014	+126
108	77	К. Маркс номли колхоз	Бўка	665	690	— 25	730	759	— 29
109	86	«Гулистон» колхози	Пискент	663	667	— 4	1210	1200	+ 10
110	146	«Верхний Чирчиқ» совхози	Коммунистик	661	527	+134	1300	1101	+199
111	51	Свердлов номли совхоз	Калинин	660	650	+ 10	3440	2858	+582
112	121	«Кўкорол» совхози	Бўка	658	616	+ 42	1480	1365	+115
113	93	Ойбек номли совхоз	Бекобод	656	656	—	1690	1580	+110
114	127	«Бўка» совхози	Бўка	655	604	+ 51	2270	2159	+111
115	114	Фрунзе номли колхоз	Бўка	650	625	+ 25	340	312	+ 28
116	108	Куйбишев номли совхоз	Оҳангарон	647	635	+ 12	4270	4232	+ 38
117	85	«Чорвоқ» совхози	Бўстонлик	644	668	— 24	1070	1183	—113
118	68	Ленин номли колхоз	Янгийўл	642	711	— 69	2210	2205	+ 5
119	120	Куйбишев номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	640	617	+ 23	1090	1090	—
120	123	Энгельс номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	638	613	+ 25	1020	1010	+ 10
121	103	«Коммуна» совхози	Коммунистик	635	643	— 8	2010	1986	+ 24
122	143	Навоий номли колхоз	Бекобод	634	542	+ 92	1480	1450	+ 30
123	134	Ленин номли колхоз	Пискент	630	585	+ 45	1040	937	+103
124	119	«Ленинобод» колхози	Бўка	630	619	+ 11	820	774	+ 46
125	101	1-«Далварзин» совхози	Бекобод	627	645	— 18	2250	2140	+110
126	131	«Қизил туғ» колхози	Бўстонлик	625	598	+ 27	1190	1113	+ 77
127	105	«Оҳангарон» совхози	Оҳангарон	620	639	— 19	5430	5480	— 50
128	149	С. Раҳимов номли совхоз	Оҳангарон	620	521	+ 99	2230	1877	+353
129	141	Охунбобоев номли колхоз	Оққўрғон	616	551	+ 65	1580	1367	+213
130	111	«Коммунизм» совхози	Ғалаба	613	629	— 16	2060	1845	+215
131	128	«Коммунизм» колхози	Ўрта Чирчиқ	612	604	+ 8	860	850	+ 10
132	78	«Маданият» колхози	Оржоникидзе	608	687	— 79	1740	1910	—170
133	107	Киров номли колхоз	Чиноз	608	636	— 28	770	820	— 50
134	133	«Коммунизм» колхози	Оққўрғон	607	594	+ 13	620	743	—123
135	117	«Тошкент» совхози	Тошкент	604	620	— 16	1250	1197	+ 53
136	126	«Хўжакент» совхози	Бўстонлик	601	604	— 3	3250	3378	—128
137	71	Жамбул номли колхоз	Бўка	599	709	—110	720	709	+ 11
138	145	«Правда» колхози	Оржоникидзе	598	536	+ 62	2060	1790	+270
139	124	Калинин номли колхоз	Бўстонлик	598	607	— 9	840	808	+ 32
140	104	«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози	Пискент	594	641	— 47	320	282	+ 38
141	118	К. Маркс номли колхоз	Бўстонлик	590	620	— 30	1130	1197	— 67
142	135	К. Маркс номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	587	581	+ 6	2020	1570	+450
143	136	«Ангрен» совхози	Оҳангарон	578	577	+ 1	2950	2886	+ 64
144	115	«Бўстонлик» совхози	Бўстонлик	578	624	— 46	2150	2354	—204
145	164	Мавлонов номли совхоз	Бекобод	578	422	+156	1550	1430	+120
146	142	Терешкова номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	575	551	+ 24	610	610	—
147	137	«Октябрь 50 йиллиги» совхози	Бекобод	570	575	— 5	880	810	+ 70
148	162	«Москва» колхози	Чиноз	566	465	+111	910	637	+273
149	138	Киров номли колхоз	Ғалаба	564	575	— 11	917	791	+126
150	154	«Қизил Ўзбекистон» колхози	Оржоникидзе	553	505	+ 48	2220	1980	+240
151	109	Энгельс номли совхоз	Коммунистик	552	635	— 83	1370	1406	— 36
152		«Дўрмон» совхози	Оржоникидзе	547	348	+199	520	390	+130
153	150	«Оққўрғон» совхози	Оққўрғон	545	516	+ 29	2730	2677	+ 53
154	165	«Коммунист» колхози	Оржоникидзе	542	411	+131	1910	1510	+400
155	148	С. Сегизбоев номли совхоз	Оққўрғон	522	521	+ 1	2360	2310	+ 50
156	158	Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози	Чиноз	512	475	+ 37	1050	984	+ 66
157	163	«Победа» колхози	Бекобод	510	443	+ 67	1290	1340	— 50
158	160	Охунбобоев номли колхоз	Чиноз	472	463	+ 9	1360	1181	+179
159	144	«Янгиобод» совхози	Чиноз	458	541	— 83	1210	860	+350
160	151	«Ленинград» колхози	Бекобод	458	515	— 57	910	1020	—110
161		«Оржоникидзе» номли совхоз	Оржоникидзе	415	500	— 85	1600	1420	+180

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ТИНЧЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ҚОБУЛ. 23 апрель. (ТАСС). Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг СССР Олий Совети Президиуми томонидан ратификация қилинганлиги тўғрисидаги хабар Афғонистон жамоатчилиги ва матбуотининг диққат марказида турибди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг бугун шу масала хусусида сўзлаган нутқини Қобулдаги марказий газеталар ўзларининг биринчи саҳифаларида босиб чиқардилар. «Да Савр инқилоб» газетаси шартномани СССР билан Афғонистоннинг тинчлик сиёсатига тарафдор эканлигини қўрсатувчи муҳим сиёсий ҳужжатдир, деб уқтириб ўтади. Буюк Ленин бу сиёсатга асос солган. Газета Л. И. Брежневнинг ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик эндиликда яхши самара бераётганлиги тўғрисида айтган сўзларини келтирди.

«Кобул таймс» газетаси бундай деб ёзади: бу ҳужжат совет-афғон муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганлигини билдиради. Афғонистонда Апрель революциясининг ғалабаси шу муносабатларни янада кенгайтириш учун кенг истиқбол яратиб берди.

АДР революцион кенгашининг ва СССР Олий Совети Президиумининг Совет-Афғонистон шартномасини ратификация қилганликлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар чинакам кардошлик ва самимийлик руҳида эканлигидан далолат бермоқда, деди Афғонистон халқ демократик партияси марказий комитетининг секретари М. С. Аламёр. Бу муносабатлар эндиликда қонун йўли билан расмийлаштирилди. Ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатлари йўлида, тинчлик манфаатлари йўлида бу муносабатлар ривожланмоқда.

АХДП марказий комитетининг секретари халқаро империализм, реакция, маочилар АДРнинг ички ишларига аралашаётганликларини, Апрель революциясининг ғалабаларига путур етказишга, АХДП марказий комитетининг ва халқ ҳукуматининг сиёсатини қоралашга уринаётганликларини айтди. Лекин уларнинг ҳамма муддаолари албатта чиппакка чиқади.

М. С. Аламёр афғон халқи социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ва биринчи навбатда Совет Иттифоқининг Афғон революциясини қўллаб-қувватлаганлигини амалда есиб турганлигини уқтириб ўтди. Афғонистон халқи, деди у, мамлакатимизнинг ривожланиши йўлида берган ва бераётган жуда катта ёрдами учун Совет Иттифоқига чуқур миннатдорчилик изҳор этмоқда.

СССР билан АДР ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг ратификация қилиниши тинчлик ишига қўшилган муҳим ҳиссадир, деди Афғонистон фанлар академиясининг президенти М. Нурзай. Афғонистоннинг барча меҳнаткаш халқи сингари зиёлилар ҳам буни иккала қўшни мамлакат ўртасидаги анъанавий дўстликни ривожлантириш йўлида қўйилган муҳим қадам, деб биладилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг бизнинг шартномамиз бирон-бир бошқа мамлакатга қарши қаратилмаган ва уларнинг қонуний манфаатларига зарар етказмайди, деган сўзлари Совет-Афғонистон ҳужжатининг ҳарфини ҳам, руҳини ҳам аниқ-равшан белгилаб беради.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК АНЪАНАЛАРИ


ПАРИЖ. Францияннинг кенг жамоатчилик доиралари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан Франция президенти В. Жискар д'Эстэн ўртасида бўлажак олий даражадаги учрашувни табрикламоқдалар. Москвада бўладиган музокаралар ҳар иккала мамлакат ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун янги истиқболлар яратади, деб ишонч билдирмоқдалар.

Ташқи ишлар министри Ж. Франсуа-Посе «Пари-Матч» журнали мухбири билан суҳбатда бу визит СССР билан Францияннинг кескинликни юмшатиш ва ҳамкорлик сиёсатига тарафдор эканлигини тасдиқлайди, деб айтди. Визит кескинликни юмшатиш сиёсати буюк давлатлар ҳурмат қиладиган ва амалга оширадиган принцип бўлиб қолишини билдиради.

БИРЛИК ВА ҚАТЪИЯТ

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия пойтахтида Африка Бирлиги Ташкилотининг мудофаа масалалари билан шуғулланувчи комиссиясининг 6-сессияси ўз ишини бошлади. Жанубий Африка халқларини мустамлакачиликдан узил-кесил халос қилиш учун кураш масалалари сессия кун тартибига қўйилган.

Африка Бирлиги Ташкилоти бош секретарининг ўринбосари Питер Ону сессияни очиш маросимида сўзлаган нутқида Аддис-Абебадаги учрашув Африка мамлакатларининг янги мустамлакачилик ва империализм кучлари кирдикорларига зарба беришга қатъий қарор қилганлигини ва бирлигини кўрсатиши керак, деб таъкидлади. Қитъанинг жанубида ҳокимиятни зўрлик билан қўлга олган оқ танли озчилик режимлари, деди у, ҳар куни Зимбабве, Намибия ва Жанубий Африка Республикасининг туб аҳолисига қарши вахшиёна жиноятлар қилмоқдалар. Африка халқларининг озодлик учун адолатли курашини қурол кучи билан бостиришга уринмоқдалар. Африка ҳамма вақт озодлик кучлари томонида туради ва уларга ҳеч қачон хиёнат қилмайди, деди П. Ону.



1978 йилги апрель революцияси Афғонистон тарихида янги саҳифа очди. Утган бир йил мобайнида Афғонистон ҳукумати ва Халқ демократик партияси бир қатор муҳим тадбирларни амалга оширди. Бу саноатни ривожлантириш, саводсизликни тугатиш, деҳқончилик кооперативларини ташкил қилиш ва бошқа муҳим масалалардир. Бу ишларни амалга оширишда афғон халқига Совет Иттифоқи яқиндан ёрдам бераётир.

Суратда: Қобул кўчаларидан бири.

В. Соболев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

УГАНДАДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ПАРИЖ. Чет эл ахборот агентликларининг хабарларига қараганда, Уганда миллий озодлик фронтининг отрядлари Танзания армиясининг бўлинмалари билан Угандада катталиги жиҳатдан иккинчи ўринда турадиган Жинжи шаҳрига киришдилар. Улар президент И. Аминга садоқатини сақлаб қолган ва шаҳардан чекинган ҳарбий бўлинмаларнинг қаршилигига дуч келмадилар.

Уганда янги ҳукуматининг экономика, молия ва планлаштириш министри С. Себагерека мамлакатнинг издан чиққан экономикаси тез орада тикланади, деб ишонч билдирди. У Кампалада Франс пресс агентлиги мухбири билан қилган суҳбатида бунинг учун Уганда барча имкониятларга — унумдор ерларга, бой табиий ресурсларга, зарур миқдордаги ишчи кучига эгадир, деб айтди.

ЭРОНДАГИ АҲВОЛ

ТЕҲРОН. Бу ерда маълум бўлишича, Эрон ташқи ишлар министри давомини муваққат ҳукумат бошлиги М. Бозоргон ўриндошлик йўли билан эгаллаган. У истеъфо берган К. Саникоби ўрнига тайинланди. Аммо бош министр гоят банд бўлганлиги учун ташқи ишлар министрлигига амалда М. Бозоргоннинг ўринбосари И. Язди раҳбарлик қилади.

«Ойндагон» газетасининг ёзишича, Эрон ташқи ишлар министрлиги шоҳининг, унинг оила аъзолари ва подшоҳ саройи офицерларининг паспорти ўзининг қонуний кучини йўқотганлиги тўғрисида АҚШни огоҳлантирди. Шунинг учун ҳам уларга Америкада бўлишга рухсат берилиши ва бошпана берилишига Эрон Ислом Республикасига нисбатан нодўстона ҳаракат деб қаралади ва бу иш ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларга таъсир қилади.

(ТАСС, 23 апрель).

ТАБИАТГА ЧИРОЙ БЕРИБ

Катта йўлдан кетаётиб, беихтиёр теварак-атрофга боқамиз. Шохлари гулдан мўржон тақкан серҳосил боғлар, кўм-кўк барг чиқариб, кўзни яшнатаётган дарахтзорлар, сайроқи қушлар, киши баҳри дилини очиб юборади.

Тошкент район табиатни муҳофаза қилиш жамияти аъзолари ҳар бир ниҳолни парваришлаб ўстиришга, мевали ва манзарали дарахтзорларни кенгайтиришга, оби-ҳаёт йўлларини тартибга солишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Улар ташаббуси билан дарахтзорларда қушлар учун махсус уйчалар ясалди. Қишли-қировли кунларда эса уларга озуқа тарқатилган эди.

Баҳор бошланиши билан райондаги кекса-ю ёшни кўчат ўтказишга сафарбар этдилар. Қисқа вақт ичида кўпчилик кучи билан йўл бўйларига, янги ўзлаштирилган ерларга 16 минг туп манзарали, 80 минг туп мевали дарахт, 15 минут туп тут, 16 минг туп бута, 15 минг атир гул кўчатлари ўтқазилди.

Ленин номли, Ильич номли, «Ленин йўли», Охунбобоев номли колхозларнинг аъзолари кўкаламзорлаштириш ойлигида айниқса самарали меҳнат қилдилар. Кичкинтойлар, мактаб ўқувчилари ҳам умумхалқ ишидан четда қолмадилар. 6, 13, 10, 26 мактабларнинг ўқувчилари, педагогик коллективлари ўз участкаларида Мичурин боғлари яратдилар, махсус жойли бурчаклар ташкил этдилар. Ҳозир улар экилган ниҳолларни парвариш қилмоқдалар.

— Бу йил Дендропарк районимиз ихтиёрига берилди, — дейди район табиатни муҳофаза этиш жамияти раиси Тоҳир Мавлонов, — болалар йили муносабати билан бу истироҳат боғида кичкинтойлар учун алоҳида майдончалар ташкил қиляпмиз. Улар дам олиш кунлари ўз ота-оналари билан боғимизга ташриф буюришади. Табиат ноз-неъматларидан баҳраманд бўлишади.

Жамиятнинг ҳозир салкам 24 минг аъзоси бор. Улар ташаббуси билан жойларда табиатсеварларнинг турли тўгаракларини ташкил этилмоқда. Тўгарак аъзолари жамият аъзолари билан биргаликда табиатни тўла муҳофаза этмоқдалар, яшил бойликка бойлик қўшмоқдалар.

Табиатни муҳофаза қилишга оид қизиқарли лекциялар бўлиб ўтди. Бу тадбирни ўтказишга район билим жамияти аъзолари ҳам жалб этилди. Мутахассислар табиатни сақлаш, сув ҳавзаларини озода тутиш, қуш ва ҳайвонларни кўпайтиришга оид қатор маслаҳатлар бердилар.

Район территориясидан йирик сув шохобчалари оқиб ўтади. Сув — ҳаёт манбаи. Махсус гидроиншоотлар Зоғариқ сувини барча қишлоқларга текис тақсимлаб турибди. Соҳибкорлар эрта баҳорданоқ сув йўлларининг барчасини тартибга келтириб қўйишган. Бугун шарқираб оқаётган обиҳаёт экин ва ниҳолларга дармон бахш этяпти.

Сув ва ҳаво, мовий ва кўркам боғлар бағрида бир зум ҳордиқ чиқарган киши қанчалар роҳатланади. Табиат завқи — шифо. Шунинг учун ҳам уни қўриқлаш барчанинг бурчи.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИДА



Коммунистик районидаги Свердлов номли колхозда жойлашган область физиотерапевтика шифохонасида даволашнинг илғор усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу ерда минерал сув, балчиқ, парафин ва электр нурлари ёрдамида муолажалар олиб бориш ҳам йўлга қўйилган.

Шифохонада ўз касбининг моҳир усталари бўлган кўпгина шифокорлар ишлашади. Уларнинг иш усуллари эндиликда ёш врач ва ҳамшираларга учун бой тажриба бўлиб қолди.

Суратларда: (юқоридан) моҳир врач Манзура Ҳолмирзаева (ўнгда) билан ҳамшира Қолдигул Мамбетқуловалар иш устида. Шифохонанинг умумий кўриниши.

Ж. Абдиев фотолари.

ОЛОВ ҚАЛБ КОМСОМОЛЛАР

КОЛХОЗ ва совхозлар комсомол ташкилотлари Тошкент район Навоий номли колхоз ва Оҳангарон район «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхози ёшларининг «Ҳар бир ёш чорвадорга янги сифат ва самарадорлик марралари» шиори бўйича ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар. Бу ташаббусга Фрунзе номли колхознинг М. Умарова, Жданов номли колхознинг А. Темирбекова, «Ҳўжакент» совхозининг К. Ироевалар етакчилик қилаётган комсомол ёшлардан иборат звенолари биринчилар қатори қўшилдилар.

Район комсомол комитети жамоат чорвачилигини янада ривожлантиришда комсомол-ёшларнинг актив қатнашуви юзасидан комплекс тадбирлар белгилади. Бу амалий режаларга кўра, ёш чорвадорлар зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажаришлари учун зарур шарт-шароитлар яхшиланади, ёшларнинг озуқа базаси тайёрлашдаги илғор тажрибалари кенг оммалаштирилади. Чорвадорларнинг меҳнати ва дам олиши учун ғамхўрлик яхшиланади.

ҚУШЛАР БАЙРАМИ

РАЙОН мактабларида ўқувчиларни табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда Муқимий номли 15-ўрта мактабда қушларга бағишланган кеча бўлиб ўтди. Табиат ошиқлари бўлган ўқувчилар турли қушларнинг яшаш тарзи, қандай фойда келтириши ҳақида сўз юритишди. Қанотли дўстларга бағишланган шеър ва қўшиқлар ижро этилди. «Қушлар байрами»да намойиш этилган шу мавзудаги викторина ва альбомлар кечага янада катта мазмун бағишлади.

Шундай тадбирларнинг ўтказилиши табиат экологиясини тушуниш, одамлар ва қушлар ўртасидаги узвий муносабатларни сақлаб туришда муҳим роль ўйнайди.

А. БАБАНОВ.

КУН ТАРТИБИДА МЕДИЦИНА ХИЗМАТИ

Калинин район Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси КПСС XXV съезди қарорлари асосида район аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Бу ҳақда район марказий касалхонасининг бош врачи ўринбосари Я. Ахроркбеков доклад қилди.

Районда ҳозир 120 ўринли марказий, 75 ўринли терапевтик, 25 ўринли невралогия ва бошқа шифохоналар бўлиб, жами 142 врач, 474 ўрта медицина ҳодими аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида меҳнат қилмоқда. Кейинги уч йил ичида касалхоналардаги ўринлар сони 490 тадан 765 тага етди. Булардан ташқари меҳнаткашларга бирқанча поликлиника, амбулатория, медицина пунктлари хизмат кўрсатяпти.

Медицина ходимлари малакасини оширишга тобора кўп эътибор бериб келинмоқда. 1978 йилда 22 врач, 48 ўрта медицина ходими қайта тайёрланди, бир қанчалари қўшимча ихтисосликни эгаллади. Р. Юсупова, М. Бурхонов, М. Юсупова, Г. Ҳикматуллаева, В. Тимофеева, Д. Муллажонова каби шифокорларнинг номини кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Уларнинг аксарияти маҳаллий Советлар депутатларидир.

Қатор қишлоқ ва посёлка Советлари аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш йўлида ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Сессия йиғилишлари, доимий комиссия мажлисларида бу масала тез-тез кўриб туриляпти. Масалан, Назарбек қишлоқ Советига қарашли барча фельдшер-акушерлик пунктлари ремонт қилиниб, керакли жиҳозлар билан таъминланган.

Район Совети сессиясида Хонобод, Ўзгариш қишлоқ Советларида бу борадаги ишлар қониқарли эмаслиги таъкид қилинди.

Медицина ходимлари дала шийпонлари, саноат корхоналари, ташкилот, муассаса, билим даргоҳларида турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказиб туриптилар. Фақат 1978 йилнинг ўзида 3037 та лекция, 38371 та суҳбат ўтказилди. Медицинага оид 275 киножурнал намойиш этилди. Шунингдек, 44 марта савол-жавоб кечалари уюштирилди.

Сессияда район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Қ. Ҳамбаров нутқ сўзлади.

А. ХАТАМОВ,
Калинин район «Ленинчи» газетаси редактори ўринбосари.

Спорт

ТЎЛА УСТУНЛИК

Хоккей бўйича Москвада ўтказилаётган жаҳон ва Европа биринчилигида Совет спортчилари якка пешқадамлик қилишмоқда. Командамиз голиблик учун асосий даъвогарлардан ҳисобланган Чехословакия хоккейчилари билан бўлган учрашувни тўла устунликда ўтказди ва 11:1 ҳисобида ғалабага эришди. Жаҳон ва Европа чемпионатларида кейинги йилларда олтин медалларга асосий даъвогар бўлган бу икки команда ўртасидаги учрашув ҳамиша кескин ўтади. Лекин бу сафар СССР терма командаси учрашувнинг бошидан то охиригача рақибларига ўз газабини эслай олмайдилар. В. Тихонов учрашувдан кейин барча линияларимиз бир текисда ўйнаганини, йигитларимиз рақибларига қараганда руҳий жиҳатдан яхши ҳозирлик кўришганини айтди. Бу ютуқ билан совет хоккейчилари чемпионлик тожи сари дадил қадам ташладилар.

Уч турдан сўнг командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар:

	Ю	Д	М	Ш	О
СССР	3	0	0	25—6	6
Швеция	1	1	1	11—15	3
ЧССР	1	1	1	8—15	3
Канада	0	0	3	6—14	0

Ўтган куни иккинчи группада куч синашаётган командалар ўртасидаги бўлиб ўтган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. АҚШ—Финляндия — 6:2, ГФР—Польша — 8:1.

Кеча Чехословакия—Канада ва СССР-Швеция командалари учрашдилар.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Мамлакат футбол чемпионати бешинчи турини Олмаотанинг «Қайрат» ва Москванинг «Локомотив» командалари бошлаб бердилар. 2:2 ҳисобида учрашувни дуранг қилган командалар активларига биттадан очко ёзишди. ЦСКА «Нефтчи»ни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Минск динамочилари билан Ростов армиячилари учрашувида 2:2 ҳисоби қайд этилган бўлса, Ленинграднинг «Зенит» футболчилари билан Ереваннинг «Арарат» командаси ўйинида ҳисоб очилмади.

Москвалик футбол мухлислари ўз шаҳарларида мавсумнинг дастлабки учрашувини томоша қилдилар. Автозаводчилар «Заря» командасини қабул қилишиб, 1:0 ҳисобида устун келдилар. Ягона тўпни Сахаров киритди.

Кеча мамлакатимизнинг яна тўрт шаҳрида бешинчи тур ўйинлари бўлди.

ШАХМАТ ЮЛДУЗЛАРИ БАҲСИ

Монреалда энг кучли гроссмейстрлар иштирокида ўтказилаётган шахматчиларнинг беллашувларида Р. Портиш олти очко билан пешқадамлик қилмоқда. Таль билан Любоевичлар бештадан очко тўплашди. Жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ҳисобида 4,5 очко бор. Лекин чемпионнинг кечиктирилган икки учрашувда қўли баланд бўлиб турибди.

СОВЕТ ПОЛВОНЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Руминияда эркин кураш бўйича ўтказилган Европа биринчилиги Совет полвонларининг ғалабаси билан тугади. Спортчиларимиз 10 та вазнининг 8 тасида ғолиб келиб, олтин медал эгаси бўлишди. Бир вакилимиз эса кумуш медаль билан тақдирланди.

ЯКУНЛОВЧИ ТУР

Москвада волейбол бўйича олий лига командалари ўртасида чемпионатнинг яқунловчи давра учрашувлари ўтказилмоқда. Тошкентнинг «Автомобилист» командаси 9 очко билан турнир жадвалининг бешинчи поғонасини эгаллаб турибди. Ҳамшаҳарларимиз ЦСКА командасига 1:3 ҳисобида ютқазганларидан кейин пешқадам «Уралочка» билан бўлган ўйинда ҳам 0:3 ҳисобида мағлубиятга учрадилар.

19 очко тўплаган Свердловск волейболчилари чемпионатда пешқадамлик қилишмоқда.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1, 2 МАЙ СОАТ 13.00 ДА

БУТУНИТТИФОҚ БАДИИЙ ЖАМОАЛАР КЎРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ, Вилоят ОҚИЛОВА.

Солистлар: Дилором ҚАЮМОВА, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА.

Программани — Светлана ТАҒИРОВА олиб боради.

Ансамблнинг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг дипломанти Қодир МУМИНОВ.

Ўзбек Давлат филармониясининг бадиий раҳбари Ғани ТЎЛАГАНОВ.

БИЛЕТЛАР СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИ КАССАСИДА СОАТ 14.00 ДАН СОТИЛМОҚДА.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети

206-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1979—80 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Автокран машинисти — автомобилларни ремонт қилувчи слесар (техника билим юртини тугатгандан сўнг), автослесарлар база ташкилоти ҳисобидан ҳайдовчи касби ҳуқуқи (категория «С»)ни олиш учун ДОСААФга ўқишга юборилади; слесарь-сантехник; бульдозер, скрепер, прицепли грейдер машинисти; суворқчи; дурадгор, электр пайвандчи, бўёқчи.

8—10-синфни битирган 17 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш даврида слесарь-сантехник ихтисоси бўйича ўқувчиларга 65 сўмдан стипендия тўланади, қолган ихтисослар бўйича 30 сўм тўланади ёки 3 марта овқатлантирилади, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процентн тўланади.

Билим юртини битирганлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация-ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади-лар ва бирлашма ходимларн учун белгиланган барча имтиёзлардан фойдаланадилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида аттестат, медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка, 6 та фотосурат (4х5 см.).

Мурожаат учун адрес: 700128, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Хуршид кўчаси, 83-уй (10, 23, 27-трамвайлар, 10-троллейбус, 14 «э», 48-автобусларнинг «Лабзак» бекати). Телефон 41-38-22.

ДЕҲҚОННИНГ БАҲОР ЮМУШИ

БАҲОР ФАСЛИДА ҲАРҚАНДАЙ ДЕҲҚОННИНГ ЮМУШИ КЎПАЙИБ КЕТАДИ. БУ ДАВР УНИНГ УЧУН МАЪСУЛИЯТЛИ ВА ҚУЛАЙ ПАЙТДИР.

Серқуёш ўлкамизнинг заррин кунларида чарақлаб чиққан офтоб бутун оламни яшнатиб юборади. Ернинг танасига иссиқ кириб бўрсийди. Деҳқон бундай пайтда тинч ўтиролмайди. Сабзавот ва полиз экинларининг уруғларини ерга экиб олиш, тупроқни кавлаб токни кўтариш, мева ва резавор ўсимликларнинг тагини юмшатиш, майиб бўлган ва касалланган шохларни қирқиб ташлаш, ерга ўғит солиш керак бўлади.

Агарда сиз резавор, мева ва сабзавотлардан юқори ҳосил олиш ниятида бўлсангиз;

агарда сиз богчангизда ёки томорқангизда бутун ёз бўйи совуқ тушгунга қадар атр гуллар, пионлар, флокслар, георгинлар чаман бўлиб очилиб туришини истасангиз;

мева-резавор ва манзарали ўсимликларга.

ЗАҲАРЛИ ХИМИКАТЛАР БИЛАН ҚАЙТА ИШЛОВ БЕРИНГ.

Антихлоразин, олтингугурт дисперсни, карбофос, нитрофен, мис купороси, аэрозол цветофоси — боглар ва полизларда ўсимликлар ва дарахтларнинг ҳар қандай зараркунандаларини қириб юборишда энг қулай воситалардан биридир.

ЎСИМЛИКЛАРНИНГ «САЛОМАТЛИГИ» ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ, УЛАРНИНГ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ ЎЗ ВАҚТИДА КУРАШ ОЛИБ БОРИШ — БОҒЛАРНИ ДОИМО ЯШНАТИШ, САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАРДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШНИНГ ГАРОВИДИР.



ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

ШАҲАРНИНГ БАРЧА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ МАГАЗИНЛАРИДАН ЗАҲАРЛИ ХИМИКАТЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Антихлорозин, нитрофен, карбофос, цветофос, садовод, мис купороси, олтингугурт дисперсни ва бошқа заҳарли химикатларни сотиб олиш масалалари бўйича

«УЗХОЗТОРГ» РЕСПУБЛИКА» УЛГУРЖИ САВДО БАЗАСИГА МУРОЖААТ ЭТИШИНГИЗ МУМКИН.

«УЗХОЗТОРГ» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ БАЗАСИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети

182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1979—80 ўқув йилига

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

электр пайвандчи-арматурачи, монтажчи-ғишт терувчи, автомашиналарни ремонт қилувчи слесарь, темир-бетон конструкцияларини монтаж қилувчи монтажчи, бўёқчи, дурадгор, суворқчи, электр-газ пайвандчи.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги, 8—10-синфни битирган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

Бошқа шаҳарликларга ётоқхона берилади.

Билим юртини битирганларга диплом берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийимкечак ва ишлаб чиқариш давридаги иш ҳақининг учдан бир қисми билан таъминланадилар. 10-синфни битирганлар 30 сўмдан стипендия оладилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини битирганлар «Таштрактороострой» трестига ишга юбориладилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, медицина справкаси (286-форма), турар-жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, характеристика, 8 дона фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Куйбишев район, (17автобуснинг, «12-турар-жой шаҳарчаси», 22-трамвайнинг 2-Шимолий-Шарқ массиви бекатлари). Багратион кўчаси, 4-уй. Телефон: 62-72-73.

КОРХОНАЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИ СОЮЗИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ТАЙЁРЛАШ-СОТИШ БАЗАСИ

МОЛЛАРНИ СУЙИШ ПУНКТЛАРИ

Чекланмаган миқдорда отларни, шохли қорамол ва майда ҳайвонларни, чўчқаларни, уй паррандаларини ва қуёнларни сўйиш ишларини

БАЖАРИБ БЕРАДИ

Марказий сўйиш пункти — Назарбек кўприги ортидаги ҳалқа йўл бўйида;

Киров районидаги мол сўйиш пункти — Киров райони, Татарский посёлкаси, 38-уй;

Октябрь районидаги мол сўйиш пунктлари — Ланғар кўчаси, 12-тупик, 6-уй; Қорасарой кўчаси, 127-уй.

МОЛЛАРНИ СУЙИШ УЧУН ҚУШХОНАГА ОЛИБ БОРИШ УЧУН ВА УЙДА СУЙИБ БЕРИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Молларни сўйиш пунктлари хизматидан фойдаланилганда тери хом ашёсининг баҳосига қўшимча равишда 7 процент миқдорида ҳақ тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Саъдий кўчаси, Прохладний проезди, 2-уй (18-автобус, 15-троллейбуснинг «Ўзгариш» бекати). Телефонлар: 53-10-33, 53-10-24.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.30 — Ниначи. Бадиий фильм. 12.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.25 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Э. Багрицкий поэзияси. 16.40 — Уфқ. Ленинградан олиб кўрсатилади. 17.20 — Эркин кураш бўйича Европа чемпионати. 17.45 — Концерт. 18.15 — Қадрдон ернинг бир бурчаги. 18.45—Беш йилликнинг тўртинчи йили. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Арфа янграйди. 19.40 — Социалистик турмуш тарзи ва халқ фаровонлиги. 20.10 — Бевақт учрашув. Бадиий фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — Ҳужжатли экран. 23.10 — РСФСР халқ артисти Б. Левко куйлайди. 23.35 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Аёллар командалари ўртасида чим устида хоккей. «Университет» (Тошкент) — «Спартак» (Москва). 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — О. Ёқубов. Диёнат. Видеофильм. 1-серия. 18.00 — Мамлакатимизнинг барча пионерлари Ленин ишига содиқдир. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Ешлик. 19.35 — Ижод саҳифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Осиё ва Африка халқлари музика маданиятининг ҳозирги аҳволи, актуал масалалари ва келажак вазифаларини ўрганиш бўйича музикашунослар Бутуниттифоқ кенгаши олдидан. 21.30 — Вақт. 22.05 — Тўлиқ гектар — мўл ҳосил гарови. 22.20 — О. Ёқубов. Диёнат. Видеофильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Болалар учун фильм. 20.10 — Байрам олди реклама-си. 20.25 — Ҳужжатли фильм. 20.55 — Янгиликлар. 21.15 — Мўмай пуллар. Фильм-спектакль. 1-қисм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/IV да Флория Тоска, 25/IV да Корсар.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/IV да Рўйхатларда йўқ, 25/IV да Келинлар қўзғолони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/IV да Тошкентнинг нозанин маликаси.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —Янги программа, катта цирк томошалари.

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

4 май соат 14.00 да

ИНСТИТУТГА КИРИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАР УЧУН

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»НИ ЎТКАЗАДИ

Институт адреси: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 35-уй (6, 9, 10, 24-трамвайлар ва 9-автобуснинг «Кафанов кўчаси» бекати).

ДОИМИЙ ИШГА

Муқовачилар, муқовачиларга шогирдлар, электромонтёрлар, лифтлар бўйича электромеханиклар, лифтчилар, токарлар, автослесарлар, полиграфия ускуналарини созловчилар, слесарь-ремонтчилар, слесарь-сантехниклар, қоғоз қирқувчилар, машинистка, бухгалтерлар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, саноат вентиляциясига хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича слесарлар, қурилиш касбларидаги ишчилар, автомоторист, экспедитор, шофёр, драпировачи

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

Ўзбекистон ССР йўл қурилишларида ишлаш учун бурғилаш-портлатиш ишлари бўйича мастерлар вазифасига тоғ инженерлари ва техниклар

КЕРАК

КОЭФФИЦИЕНТ ВА ИШ КУЧМА ХАРАКТЕРДА БУЛГАНЛИГИ УЧУН 30 ПРОЦЕНТ ҚЎШИМЧА ҲАҚ ТУЛАНАДИ.

Шунингдек, телетайп (Тошкент шаҳрида ишлаш учун машинистка керак. Навбатдаги меҳнат отпускаси вақтида ишловчига ва унинг қарамоғидаги бир кишига бепул темир йўл билети берилади.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент, —П, ЛЕНИН кўчаси, 41. Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия гурмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325559; адабиёт ва санъат — 325787; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р—00283. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2379.